



## FARG‘ONA VILOYATI O‘ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 йил «31» август

101-11-161-Q/21

Ўзбекистон туман ҳокимлиги

***Ўзбекистон туманидаги 4К-895 “Яйпан-Ўқчи-Шойимбек” автомобиль йўлининг 22.0 км.даги чорраҳага ҳамда А-376 “Қўқон-Жиззах” халқаро автомобиль йўлининг 2.0 км.га светофор ўрнатишга рухсат бериш ҳақида***

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2013 йил, 15 сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)нинг 5,7-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли Қарори(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 09/19/646/3508-сон)га мувофиқ, туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ва Фарғона вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи Ю.Марксовнинг 03.06.2021 йилдаги 24/6-806-сонли ҳамда Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш УК директори Б.Рахмоновнинг 10.06.2021 йилдаги 01/409-сонли ёзишмаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон)нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Фарғона вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи Ю.Марксовнинг 03.06.2021 йилдаги 24/6-806-сонли ҳамда Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш УК директори Б.Рахмоновнинг 10.06.2021 йилдаги 01/409-сонли ёзишмалари инобатга олинсин;
2. Ўзбекистон туманидаги 4К-895 “Яйпан-Ўқчи-Шойимбек” автомобиль йўлининг 22.0 км.даги чорраҳага ҳамда А-376 “Қўқон-Жиззах” халқаро автомобиль йўлининг 2.0 км.га светофор ўрнатишга рухсат этилсин;
3. “Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш” УК директори **Б.Рахмонов**га: Ўзбекистон туманидаги 4К-895 “Яйпан-Ўқчи-Шойимбек” автомобиль йўлининг 22.0 км.даги чорраҳага ҳамда А-376 “Қўқон-Жиззах” халқаро автомобиль йўлининг 2.0 км.га светофор ўрнатиб бериш вазифаси топширилсин;
4. “Яйпан овози” газетаси таҳририяти (К. Шерматов), Ўзбекистон туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати раҳбари (Д. Жабборов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва ҳокимлик веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин;
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради;

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ш. Исмоилов зиммасига юклатилсин.

**Tuman hokimi**



**Ш.Юлдашев**